

ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Шарафуддинова Мадинахон Исомуддин қизи
Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
2-курс магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада юртимизнинг миллий иқтисодиётини шакллантириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш ва шу асосда жамият аъзоларининг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашда халқ хўжалигининг етакчи тармоғи булган енгил саноат тармоғида амалга оширилган устувор чора-тадбирлар, мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини оширишда саноатнинг роли, миллий иқтисоддаги роли ва ўрни, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, аҳолининг фаровонлигини оширишда енгил саноатнинг аҳамияти ҳамда самараси ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар. Саноат, миллий иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги, саноат маҳсулотлари, мамлакат аҳолиси, индустриал комплекс, фан-техника тараққиёти, моддий меҳнат, молиявий, интеллектуал.

Аннотация. В данной статье рассмотрены первоочередные мероприятия, реализуемые в сфере легкой промышленности, являющейся ведущей отраслью народного хозяйства, в формировании народного хозяйства нашей страны, социально-экономическом развитии страны и материально-нравственном благополучии членов общества на этой основе, роли промышленности в повышении занятости населения страны, роли и места в народном хозяйстве, значения и эффективности легкой промышленности в развитии общественного производства, совершенствовании обсуждаются вопросы благосостояния населения.

Ключевые слова. Промышленность, народное хозяйство, продовольственная безопасность, продукция промышленности, население страны, промышленный комплекс, научно-техническое развитие, материальный труд, финансовый, интеллектуальный.

Annotation. This article discusses the priority measures implemented in the field of light industry, which is the leading branch of the national economy, in the formation of the national economy of our country, the socio-economic development of the country and the material and moral well-being of members of society on this basis, the role of industry in increasing the employment of the country's population, the role and place in the national economy, the importance and effectiveness of light industry in the development of social production, improvement, issues of the welfare of the population are discussed.

Keywords. Industry, national economy, food security, industrial products, population of the country, industrial complex, scientific and technological development, material labor, financial, intellectual.

Саноат — моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик, етакчи тармогидир. Унда меҳнат куруллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилиги қисми яратилади; машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади; ер ости бойликлари казиб олиш амалга оширилади; минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади, кенг истеъмол моллари тайёрланади ва ҳ.к.лар.

Саноат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат куруллари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли бсқийдир. Шу сабабли унинг ривожини ва самарадорлигини қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради [1].

Саноат миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Бутун иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланган саноат ишлаб чиқариши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашда ва иқтисодиётни тараққий этишида муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиши ва хавфсизлигини таъминлаши кўп жиҳатдан саноат ривожланиши даражаси билан боғлиқ. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш озиқ-овқат ва енгил саноатнинг ривожланиши билан белгиланади. Айни вақтда саноат тармоқлари рақобатбардошлигининг юқорилигини мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида туган ўрни ва ролининг мустаҳкам бўлишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётда шунчалик кўп сифат ўзгаришлари юз беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 60 мингга яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналарнинг 3,1 фоизи тоғ-кон саноати, 94,4 фоизи қайта ишлаш саноати, 0,7 фоизи электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, 1,8 фоизи сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш ҳиссасига тўғри келади[2].

Статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистонда 228,9 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу 2021 йилга нисбатан 14,4 фоизга кўп. Агар саноат маҳсулоти ўсишини иқтисодий фаолият турлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич тоғ-кон саноатида қайд этилган —

25,4 фоиз. Қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 2021 йилга нисбатан 13,2 фоизга кўпайган.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иктисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иктисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустакилликнинг бирдан - бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини оширишда саноатнинг роли беқиёс. Буни 1-жадвал маълумотларидан ҳам билиб олиш мумкин[3].

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоизи саноат ишлаб чиқаришида банд. Бу ўринда таъкидлаш керакки, республика саноатининг жадал суръатлар билан таъминланиши янада яхшиланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, яъни бандлик даражаси анчагина юксалади. Тармоқнинг янада жадал ривожига саноат кадрлари сони ва уларнинг жамиятдаги маъқеи янада ошишига олиб келади.

Иктисодиёт тармоқлари буйича аҳоли бандлиги ва унинг 2020-2022 йиллардаги динамикаси (минг киши ҳисобида)

	2020 й	2021 й.	2022 й.
Банд булганлар сони, жами	13541,1	13236,4	13538,9
Шу жумладан, саноат	1821,5	1809,5	1863,2
Кишлоқ ва урмон хужалиги	3544,6	3499,2	3414,7
Қурилиш	1324,6	1305,6	1350,8
Транспорт ва алоқа	646,1	610,5	654,2
Савдо, умумий овқатланиш, таъминот, сотиш ва тайёрлов	1436,4	1405,4	1535,6
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	616,7	669,5	650,8
Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат курсатиш	1134,4	1158,2	1220,5
Бошқа соҳалар	3016,8	2778,5	2849,1

1-жадвал

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларида табиий бойликлардан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратади.

Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши меҳнат тақсимотини ўсиши, ишлаб чиқаришни дифференциялаш ва интенсивлаштириш билан чамбарчарс боғлиқ. Ҳозирги замон йирик саноати бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар бўғинларидан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаси ва 2000 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд. Саноатнинг миллий иқтисоддаги роли ва ўрнини қуйидаги жадвалдан аниқроқ кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари
(ҳақиқий баҳода, млрд. сўм)*

	2020	2021	2022
Ялпи ички маҳсулот	605514,8856	738425,2463	888341,6762
шу жумладан, саноатнинг ялпи қўшган қиймати	150275,1116	186978,2402	220704,31
Иқтисодиётдаги фойда	100808,6296	125677,1608	152207,1983
иқтисодда банд бўлган аҳолининг сони, млн. киши	13541,1	13236,4	13538,9
шу жумладан, саноатда	1821,5	1809,5	1863,2
Асосий капиталга инвестициялар	195927,3	210195,1	239552,6

2-жадвал

2-жадвалда келтирилган рақамлардан маълумки саноат ишлаб чиқаришнинг миллий иқтисодиётдаги роли йилдан-йилга ошиб бормокда. Агар ХХ-асрнинг охириги йилларида мамлакат ялпи ички маҳсулотига унинг улуши 14 фоизни ташкил этган булса, 2021 йил у 44 фоизга тенг булди. Саноат ишлаб чиқариши мамлакат буйича юзага келаётган фойданинг 68 фоизини бермокда. Куйидаги жадвалда 2020-2022 йилларда саноат ишлаб чиқариши тармоқларида юз берган ўзгаришлар курсатилган[4].

Ҳозирги даврда Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари, тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўнпойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида 1,989 та йирик ва ўрта корхоналар бор. Республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида енгил саноат ҳиссаси 12,3 % ни ташкил этади. Бу тармоқда 500 мингга яқин ходим иш билан банд. Енгил саноат тармоғи фаолиятининг асосий кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси

Маҳсулотлар номи	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Пахта толаси, минг т.	1138,1	1160,0	1.080
Ипак пахта толаси калаваси, минг т.	608	740	905.6
Ипак толаси, минг т.	1,3	1,9	2,6
Ип газлама, млн. м ²	401,8	429,4	714.2
Шойи газлама, млн.м ²	6,3	8,2	10,4
Sanoat mahsuloti hajmi, mlrd. so'm	26766,634931	456056,089830847	551050,89305702
Гилам ва гиламчилик маҳсулотлари, млн м ²	2.1	2.5	2.8
Пайпоқлар, млн. жуфт	365	450	461.4
Трикотаж маҳсулотлари, млрд. дона	1.6	2.0	2.3
Пойабзал, млн. жуфт	8,8	9,2	10,8

3-жадвал[5]

Саноат миллий иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, аҳолининг фаровонлигини оширишда унинг аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистон саноати жуда катта тарихий йўлни босиб ўтган ва истиқлол йилларида, XX асрнинг охириги 10 йилида тубдан ўзгариб, бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ривожлана бошлади. 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган саноат инқирози тугатилиб, 1995 йилдан бошлаб унинг ўсиши суръати кучая бошлади. 2022 йилдаги ўсиш 1995 йилдагига нисбатан тахминан 450 фоизни ташкил этади. Саноатнинг энг муҳим соҳаси оғир саноат бўлиб, у бошқа тармоқларга нисбатан жуда тез ўсмоқда. Айниқса, унинг ёқилғи-энергетика, машинасозлик, металлургия ва қурилиш материаллари тармоқлари тез ривожланди.

Ўзбекистон саноати фан-техника тараққиёти, бошқаруви ва ташкил этилишининг такомиллашуви, кадрлар салоҳиятининг юқори даражага кўтарилиши ҳамда хорижий инвестицияларнинг кўплаб жалб этилиши туфайли изчил ривожлана бошлади. Мустақиллик йилларида унинг тармоқ структураси тубдан ўзгарди ва натижада янгидан-янги тармоқлар юзага келди. Саноат соҳасида ажойиб ютуқлар билан бирга бир қатор камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар ҳам бор.

Ҳозирги кунда муаммоларнинг ечимини топиш учун Ўзбекистонда барча имкониятларга – жуда катта моддий меҳнат, молиявий ва интеллектуал ресурсларга эга. Улардан оқилона фойдаланиш асосида республика саноатини қудратли саноатга айлантириш ва самарадорлик жиҳатидан янада юқори даражага кўтариш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Ортиқов//Саноат иқтисодиёти// Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент 2009
2. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019.
3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига мувофиқ
4. Агентство Статистики при Президенте Республики Узбекистан
5. <https://uzts.uz/>